



Таълим йўналишида Германия билан манфаатли ҳамкорлик

Айни кунларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Норқобилов раҳбарлигидаги делегация Германияга расмий ташрифни амалга оширмоқда. Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, йирик лойиҳаларни амалга ошириш ва чорвачилик соҳасида ўзаро тажриба алмашиш орқали соҳа ривожида янгиликларни амалга оширишдан иборат. Юртимиздан ташриф буюрган делегация аъзолари таркибида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали директори Адилбай Есимбетов ҳам бор. Ташриф доирасида Қишлоқ хўжалиги вазири Михаела Канибер ва делегация вакиллари билан бўлиб ўтган қизғин мулоқотда дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликда янги истиқболли лойиҳаларни ва ташаббусларни амалга ошириш, Ўзбекистонга соҳа бўйича немис технологиясини жалб этиш ва Германия тажрибасини ўрганиш сингари муҳим масалалар муҳокама қилинди.




Кейинги манзил Вайнстефан триздорф амалий фанлар университети бўлди. У ерда меҳмонларни университет президенти Профессор Эрик Веуллиет (Eric Veulliet) кутиб олди. Олиб борилган музокаралар натижасида мазкур университет ва юртимизнинг бир қанча олий ўқув юртлари ўртасида меморандумлар имзоланди. Жумладан, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали ва Вайнстефан триздорф амалий фанлар университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, ҳамкорликда фойдали лойиҳаларни амалга ошириш, таълим сифатини янада ошириш, илмий тадқиқот соҳасида ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш бўйича меморандум имзоланди. — Ушбу ҳамкорлик доирасида таълим йўналишида янги бир босқичга қадам қўйилди деб ўйлайман. Айниқса филиалимиз учун Германиянинг йирик университетларидан бири бўлган Вайнстефан триздорф амалий фанлар университети билан ҳамкорликни амалга ошириш кенг имкониятларни тақдим этади.



Image not found or type unknown

Талаба-ёшларга ўқув дастурининг ноёб комбинатсиясини таклиф этадиган мазкур олий ўқув юрти тажрибасини ўрганиш албатта ўзининг самарали натижасини беришига ишонамиз—дейди филиал директори А.Есимбетов. Шунингдек, ташриф дастури доирасида ташкил этилаётган экскурсиялар, Фрайзинг бўйлаб саёҳат юртимиз делегация аъзоларида ижобий таассуротларни қолдираётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтди.

Image not found or type unknown